



“ 13 ” июль 2021 й. № 02-06/3424

**Рекламадан фойдаланувчилар,
ижтимоий тармоқ фаол
фойдаланувчилари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Сир эмаски, йирик савдо тармоқлари томонидан рекламаларда чегирмалар ҳийласининг қўлланилиши билан харидорлар фақат фойда иллюзиясига эга бўлишади, аслида эса мақсад уларнинг эътиборини жалб қилишдир (“ҳеч нарса текин бўлмайди”).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим йирик савдо тармоқлари фойда олиш мақсадида кўпинча харидорлар билан турли хил манипуляцияларга киришиши, масалан, дастлаб таклиф қилинадиган товарларнинг нархлари иложи борича ҳаддан ташқари ошириб юборилиши, сўнгра уларнинг нархи ҳақиқий нархигача туширилиши маълум бўлган. Бунда харидорлар томонидан чегирмали товарларни харид қилиш орқали уларда фойдали харид хаёлини/иллюзиясини келтириб чиқариши мумкин.

Одатда кўпинча, байрамлар олдидан йирик савдо тармоқлари товарлар нархларини кескин кўтариши, кейин эса чегирмалар эълон қилиш орқали гўёки, товар нархларини кескин туширилганлиги тўғрисида рекламалар берилади, ҳақиқатда эса чегирмадаги товар нархи эски нархдаги ҳолатига қайтариб, гўёки 20-30% чегирмалар қўлланилгандек тақдим этилади.

Агентлик ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларини чегирма билан сотиш ҳолатларига эътиборлироқ бўлиш, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишдан олдин унинг сифати ва яроқлилик муддатини текширишни унутмаслика чақиради.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан Сиздан, рекламадаги ахборотдан фойдаланганда қонунийлик, аниқлик, ишончлилик тамойилларига эътибор беришингиз, нотўғри ва ишончсиз рекламаларни тарқатиш ҳолатлари кузатилган тақдирда Агентлик ишонч рақами орқали (1159) мурожаат қилишингиз сўралади.

Директор ўринбосари

Ижр: А.Ахмедов
Тел: 712074600 (318)



А. Қурбонов